O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ _____
F 20209

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 22 январь, № 17 (4680) Пайшанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 январь куни Оқсаройда Россиянинг «Лукойл» очиқ акционерлик жамияти президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари «Лукойл» компанияси мамлакатимизнинг ишончли шерикларидан бири эканини таъкидлади.

Ёқилғи-энергетика мажмуи Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан биридир. Россиянинг энергетика компаниялари Ўзбекистонда энергия манбаларининг янги конларини ўрганиш ва ўзлаштиришда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Лукойл» ОАЖ ўртасида 2004 йили маҳсулотни тақсимлаш тўғрисидаги битим имзоланган. Бу ҳужжатда Ўзбекистон нефть-газ соҳасига 3 миллиард АҚШ долларидан зиёд миқдорда сармоя киритиш кўзда тутилган.

Нефть-газ соҳасига хориж сармоясини жалб қилиш нафақат даромадни кўпайтириш, айни пайтда экспорт ҳажмини ошириш, қувурларнинг янги магистралларини, янги инфратузилмаларни барпо этиш, кўплаб янги иш ўринлари очиш, соҳага оид илғор технологияларни ўзлаштириш имконини ҳам беради.

«Лукойл» билан ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Тошкентда унинг ваколатхонаси очилиб, "Лукойл оверсиз Ўзбекистон Лтд" шўъба корхонаси ташкил этилган. Ушбу корхона «Қандим — Ховузак — Шоди — Кўнғирот» лойиҳасини амалга ошириш билан шуғулланмоқда. 2007 йилда «Лукойл» билан ҳамкорлик дастлабки амалий натижани берди — Бухоро вилоятида Ховузак газ кони фойдаланишга топширилди. Бу ерда қисқа вақт ичида сейсмологик қидирув ишлари ўтказилди, қудуқлар қазилди, ҳудуд ободонлаштирилди. Албатта, бундай муваффақиятларнинг негизида Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар фаолият юритиши учун яратилган қўплаб қулайлик ва имтиёзлар мужассамдир.

Айни пайтда Ховузакда йигирмадан зиёд бурғулаш қудуғидан «Денгизкўл — Муборак» газ қувурига узлуксиз равишда газ узатилмоқда.

Умуман, «Қандим — Ховузак — Шоди — Кўнғирот» лойиҳаси бўйича жами 150 та қудуқ қазиш ва бир ярим минг километрдан кўпроқ газ узатиш қувурларини барпо этиш режалаштирилган. Конлар лойиҳада белгиланган қувват бўйича ишга тушгач, бу ерда йилига 10 миллиард куб метрдан ортиқ газ қазиб олинади. Шунингдек, йилига 8 миллиард куб метр газни қайта ишлаш қувватига эга замонавий газ-кимё мажмуи барпо этиш режалаштирилмоқда.

Учрашувда В. Алекперов «Лукойл» билан шериклик алоқаларига алоҳида эътибори учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон компаниялари билан «Лукойл» ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди, қўшма лойиҳалар ижросининг бориши, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

(ЎзА).
Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Самарқанд вилоятида саноатни ривожлантиришга эътибор кучайтирилмоқда.

Инвестиция равнақ бағишлади

Ўтган йили вилоят инвестиция дастури доирасида 78 та лойиҳа бўйича соҳага 54,45 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя киритилган эди. Шунингдек, 19 та янги қўшма корхона ташкил этилди.

Йирик саноат корхоналари билан бир қаторда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ҳам импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтирди. Бундай ижобий ўзгаришлар Ургут туманидаги "Камонгорон", Самарқанд шаҳридаги "СамАнтепгилам" қўшма корхоналарида яққол кўзга ташланмоқда.

Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахтимизда "Она ва бола саломатлиги кунлари" мавзуида хайрия тадбири ўтказилди.

Эзгулик йўлида

Унда 14 ёшгача бўлган болалар ва уларнинг оналари тиббий текширувдан ўтказилди. Икки юз нафардан зиёд киши иштирок этган ушбу тадбирда она-болалар педиатр, офтальмолог, гастроэнтеролог каби мутахассислар кўригидан ўтдилар.

— Баркамол авлодни вояга етказишда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилишнинг аҳамияти катта, — дейди "Аёллар кенгаши" жамоатчилик ташкилоти раҳбари Гулноза Салоҳиддинова. — Шу маънода бугунгидек хайрия тадбирларини ўтказиш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш сингари эзгу саъй-ҳаракатлар юртимизда яхши анъанага айланди. Хусусан, ўтган йили Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида она ва бола саломатлиги кунлари ўтказилган эди. Бундан буён ҳам эл саломатлигини эъзозлаш йўлидаги хайрли тадбирлар изчил давом эттирилади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 1998 йилда қабул қилинган «Реклама тўғрисида»ги Қонун бу борадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Реклама ва қонунчилик

Ушбу Қонунга мувофиқ, рекламада маҳсулот ва хизматга доир маълумотлар аниқ акс этиши, истеъмолчига зарар етказмаслиги лозим.

(Давоми 2-бетда).

"Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг "Муҳандислик-техник маркази"да компаниянинг вилоятлардаги филиаллари раҳбарларининг ўқуви бўлиб ўтди.

Замон билан ҳамнафас

Дарслар давомида уларга "Маркетинг, реклама ва нархнинг ташкил топиши — компания муваффақиятининг асосидир" мавзуидаги маърузалар туркуми ҳавола этилди. Унда маркетинг, телекоммуникация бозорининг рақобатбардошлик муҳити ўлчов кўрсаткичлари ва бошқа мавзулар қамраб олинган. Шунингдек, солиқ қонунчилиги, молиявий инқироз шароитида компанияни бошқариш, қарзлар билан ишлашни ташкил қилиш, техника, технология ва телекоммуникация хизматини ривожлантиришнинг истиқболлари сингари иқтисодий мавзулардаги маърузалар туркуми ҳам тақдим этилди.

Элбек ДОЛИМОВ.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Ҳамдўстлик давлатларига қатновчи самолётлар чипта нархини 17 фоизга арзонлаштирди.

Чипта нархлари арзонлашди

Жорий йилнинг 31 мартига қадар амал қиладиган ушбу тариф "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ташкил топганининг 17 йиллиги шарафига амалга оширилаётир.

Феруза ҚУРБОНОВА.

Тадбир

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг минтақавий семинари давом этмоқда.

РАҲБАР ХОДИМЛАР ЎҚУВИ

Мамлакатимизда демократик-ҳуқуқий жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада юксалтиришда маҳаллий ҳокимият органлари вакиллари муҳим ўрин тутади. Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур минтақавий семинар машғулотлари раҳбар кадрларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳалардаги билимини мустаҳкамлаш ва янада юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Семинарнинг дастлабки кунларида Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарининг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдиришнинг долзарб масалаларига, давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — бизнинг олий мақсадимиз" маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБЛАРИГА ҲАВАС

Яқинда Навоий шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактабига Франция пойтахти Париж шаҳридан мактуб келди. Унда шундай дейилади: ***"Сизга ўқув муассасангизнинг ЮНЕСКО бирлашган мактаблари тармоғи аъзоси бўлгани ҳақидаги хабарни юборишдан мамнунмиз. Яқинда бизнинг тармоқ лойиҳасидаги иштирокингиз тўғрисида ЮНЕСКО Бош директори томонидан имзоланган сертификатга ҳамда ЮНЕСКО бирлашган мактабларининг услубий қўлланмаларига эга бўласиз. Бундан ташқари, Сизнинг муассасангиз бизнинг почта тармоғи рўйхатига киритилганини маълум қиламиз..."***

Таъкидлаш жоизки, 2008 йилда Республика халқ таълими вазирлигига қарашли 14 та таълим маскани қатори ушбу мактаб жамоасининг муваффақиятлари ҳам халқаро миқёсда тан олиниши ва жаҳоннинг нуфузли ташкилоти томонидан эътироф этилиши бежиз эмас. Негаки, ўтган 2008 йилда ЮНЕСКО бирлашган мактаблари тармоғи томонидан эълон қилинган "Янгилик маркази" танловида иштирок этган мазкур ўқув масканининг фаолияти эътиборга лойиқ. Хусусан, 2002-2006 йилларда Республика Таълим маркази ҳамда Буюк Британия таълим кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган "Шахсга йўналтирилган таълим" лойиҳаси бўйича Навоий шаҳридаги 16-мактабда фаолият кўрсатаётган икки нафар ўқитувчи — Роҳила Бердиева ва Фароғат Ҳамроева мураббийлар тайёрлаш бўйича махсус сертификатни қўлга киритган эдилар. Бу эса уларнинг юқорида айтиб ўтилган халқаро танловда иштирок этишлари учун йўлланма бўлди.

Эътироф

— Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва раҳнамолиги остида таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли ўқув масканлари фаолияти тубдан яхшиланди, кадрлар салоҳияти ошди, — дейди ўқув маскани директори Нозима Тоғаева. — Бугун ёшлар камолотига қаратилган ҳар қандай ташаббус, янгилик давлат томонидан қўллаб-қувватланаяпти. Шундай имкониятдан фойдаланиб, мактабимизда "Илғор педагогик технология билимдонлари" клубини ташкил этган эдик. Навоий вилояти ўқитувчи ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтининг "Лаборатория мактаби" сифатида фаолият юритаётган мазкур клубда илғор педагогик тажрибалар курс тингловчилари ҳамда вилоят таълим тизими ходимларига семинар-тренинглар орқали тарғиб этиб борилмоқда. Қолаверса, мактабимизда "Шахсга йўналтирилган таълим" тизимини жорий этганмиз. Бу орқали ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида дўстона муҳитни шакллантириш, ўқувчи ёшларда эркин фикрлаш қобилиятини ўстириш кўзда тутилган. Айни пайтда ушбу таълим тизими воситасида маънавият, экология йўналишлари ҳамда одам савдосининг олдини олишга қаратилган мавзуларда иш олиб борилаяпти.

Мактабда ҳафтанинг маълум кунлари махсус лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилган. Жумладан, чоршанба — "Ўзини ўзи бошқариш куни" деб эълон қилинган. Бу кунга доир тадбирлар орқали мактаб ўқувчиларининг фанларга қизиқишларини ошириб боришга эришилаяпти. Бу ерда ўқувчиларнинг ўзини ўзи бошқаришига доир махсус Низом ишлаб чиқилган. Шу асосда мактабда таҳсил олаётган ёшлар ўқувчи-директор, ўқувчи-етакчи, ўқувчи-ўқитувчи, ўқувчи-маънавиятчи, ўқувчи-кутубхоначи сингари йўналишларда ўзини ўзи бошқариш кўникмаларига эга бўлиб боришяпти.

Шунингдек, мактабда тарих музейи ташкил қилинган. Вилоятдаги меъморий ёдгорликларни ўрганиш мақсадида сайёр дарслар ўтказиб келинаяпти. Ёшлар ахборот-ресурс марказига ўрнатилган замонавий компьютерлар орқали эса Интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти яратилган.

Маълумки, ёшларда табиатни асраш, экологик муҳитни яхшилашга доир асосий кўникмалар мактабда шаклланади. Шу сабабли ўқув масканида ўқувчилар учун экология мавзусида кўргазмали машғулотлар ўтказиб бориш йўлга қўйилди. Кўп ўтмай бу ташаббус ўз самарасини берди: мактаб ўқувчилари "Сув ва болалар" республика экофестивалида қатнашиб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритишди.

— Ҳозир асосий эътиборни ўқув жараёнига янги лойиҳаларни татбиқ этишга қаратганмиз, — дейди Н. Тоғаева. — Чунки ўқитиш услубини янги педагогик технологиялар асосида шакллантирмай туриб, муваффақиятга эришиб бўлмайди. Масалан, математикани қизиқарли бошқотирмалар, кимёни турли элемент ва моддаларнинг кашф этилиши ва улар билан боғлиқ ҳикоялар ёки тарихни юртимиздаги тарихий жойларга саёҳатлар орқали ҳам ёшларга ўргатиш мумкин-ку. Юртимизда давлат, ҳукумат томонидан бу борада зарурий барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Булардан ўқув жараёнида самарали фойдаланиш учун эса педагог ходимларимиздан изланувчанлик, янгиликка интилувчанлик ва ташаббускорлик талаб этилади.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАКАМ ШАРҲИ

Россия сармояси иштирокидаги корхоналар

Бугунги кунда мамлакатимизда Россия Федерацияси сармояси иштирокида ташкил этилган 786 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

Шу далилнинг ўзи сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Россия ҳамкорликнинг юксак марраларини эгаллаб, барча соҳаларда икки томонлама муносабатлар ривожининг барқарор суръатларини намоён этаётганини тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисида мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор қонунлар маъқулланди. Ана шу қонунлардан бири "Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидир.

ИЖРО ИШИ ЮРИТИШ КАФОЛАТЛАРИ

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал кодексларига, Ер кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, шунингдек, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги ва «Банкротлик тўғрисида»ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Эндиликда Жиноят кодексининг 232-моддаси янги таҳрирда баён этилади. Унга кўра, муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаганлик, башарти шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ҳам давом эттирилса, шунингдек, суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилганлик учун жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги белгиланди. Қайд этиш керакки, 232-модданинг эски таҳрири фақат мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини назарда тутиб, жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини эътибордан четда қолдирган эди. Янги қонунда суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий эканлиги ҳақидаги конституциявий қоидадан келиб чиқиб, жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги ҳам жорий этилди. Қолаверса, мазкур моддада худди шундай қилмишларни содир этганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ҳам кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган ўзгартишлар саккизта моддани қамраб олади. У ижро ҳужжатини ижро этмаганлик ҳамда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ҳам давом эттирилса, шунингдек, суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилганлик учун жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги белгиланди. "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг 82-моддасининг эски таҳририда ижро ҳужжатини ижро этмаганлик учун жисмоний шахсларга жарима солинишини назарда тутувчи нормалар мавжуд эди. "Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун билан мазкур нормалар чиқариб ташланди ва улар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимча моддалар сифатида ўтказилди. Шу муносабат билан ушбу Кодекс 198¹-модда (қарздорнинг ижро ҳужжатини унинг ихтиёрий равишда ижро этилиши учун белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этмаслиги ёки унинг зиммасига муайян ҳаракатларни содир этиш

Қонун кучга кирди

ёхуд уларни содир этишдан ўзини тийиш мажбуриятини юкловчи ижро ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра суд ижрочиси белгилаган муддатда ижро этмаганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилайдиган) билан тўлдирилди. Айни вақтда Кодексга суд ҳужжатлари ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилайдиган 198²-модда ҳам қўшилади. Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 332, 333, 336, 337, 339 ва 348-моддаларига ҳам ўзгартишлар киритилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг банк ёки бошқа кредит муассасаси пул маблағларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатини ижро этмаганлиги учун, шунингдек, суд ҳужжатида (ижро варақасида) кўрсатилган ҳаракатларни бажариш зиммасига юклатилган шахс ана шу ҳаракатларни бажармаганлиги учун хўжалик судлари томонидан унга жарима солинишини назарда тутувчи 218-моддаси чиқариб ташланди. Бундан ташқари, Хўжалик процессуал кодексининг яна тўртта моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар еттита моддани ўз ичига олган. Жумладан, 215-моддага киритилаётган ўзгартишлар суд томонидан ўзи қабул қилган ҳал қилув қарорига тушунтириш бериш ҳақидаги аризани кўриб чиқишнинг ўн кунлик муддатини белгилайди. Айни вақтда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг "Ижро этилиши лозим бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатини тушунтириш" деб номланган 31-моддасига ҳам тегишли ўзгартишлар киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг «Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бекор қилиниши» деб номланган 36-моддасига ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи ижро ҳужжатлари бўйича ундирув ер участкасига қаратилганда, белгиланган тартибда бекор қилинишини назарда тутадиган норма киритилди.

«Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг «Мажбуриятлар бўйича жавобгарлик» деб номланган 30-моддаси деҳқон хўжалиги аъзолари деҳқон хўжалиги мол-мулки етарли бўлмаганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ деҳқон хўжалигининг мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли мол-мулк билан солидар равишда субсидиар жавобгар бўлишларини назарда тутадиган иккинчи қисм билан тўлдирилди.

Бу Қонун билан «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар элликдан ортиқ моддаларни қамраб олган. Бундан ташқари, ушбу Қонун ўн саккизта янги модда билан тўлдирилди. Киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг асосий қисми суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, "Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун мамлакатимизда ижро ҳаракатларини амалга ошириш тартибини анча соддалаштиради. Қолаверса, суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилишини ҳамда жисмоний, юридик шахслар ҳамда давлат манфаатларини таъминлашга, шунингдек, суд ҳокимиятининг нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Раҳимжон ҲАКИМОВ,
ҳуқуқшунос.

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Янгиариқ туманида истеъдодли ёшлар кўп. Бу йилги "Янги авлод", "Келажак овози" танловларида 245 нафар ўқувчи қатнашгани бунинг исботидир. Дилрабо Жуматова ва Ёрқиной Эрназарова эса Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлишган. Ушбу танловнинг туман босқичида 40 дан ортиқ қизимиз иштирок этганини таъкидлашни истардим.

Ёшлар масаласи халқ депутатлари туман кенгашининг ижтимоий-маданий масалаларни ривожлантириш (ёшлар сиёсати ва соғлом авлод) доимий комиссияси фаолиятидаги асосий ва муҳим вазифалардандир. Уларни тарбиялашга оид масалаларни тез-тез кўриб борамиз. Деярли ҳар бир йиғинимиз ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишлари, истеъдодли йигит-қизларни рўёбга чиқариш имкониятларини янада кенгайтириш масалаларига бағишланади.

Туманда 40 та мактаб ва касб-ҳунар коллежи бор. Ўрта умумтаълим мактабларида 18 мингдан зиёд ўқувчи таҳсил олади, қарийб тўрт мингга яқин йигит-қиз ўқиш билан бирга касб-ҳунар сирларини ўрганмоқда. 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар коллежларига жалб қилиш, коллеж битирувчиларини эса иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Доимий комиссия йиғилишларида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича туман халқ таълими бўлими, касб-ҳунар коллежларидаги аҳвол бир неча бор муҳокама этилди. Вазирлар Маҳкамасининг "Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талабларидан келиб чиқадиган вазифаларнинг бажарилиши доимий комиссиямиз назоратида турибди.

Сўнгги йилларда туманимизнинг Остона, Гаган қишлоқларида касб-ҳунар коллежлари янгидан барпо этилди. Учта коллеж биноси капитал таъмирланди. 2007-2008 ўқув йилида туман коллежларини 905 нафар ўқувчи битказган бўлса, улардан 35 нафари олий ўқув юртларида таҳсилни давом эттирмоқда. 837 нафари эса ишга жойлаштирилди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлими билан ҳамкорликда ёшларни ишга жойлаштириш чоралари кўрилаяпти. Бевосита касб-ҳунар коллежларида меҳнат ярмаркалари ўтказилиб келинмоқда.

Ўқувчиларнинг ўқишдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида коллежларда 45 та фан, 22 та касб ва 24 та спорт тўгараклари ташкил қилинган. Барча коллежларда ахборот-ресурс марказлари фаолият юритмоқда. Улар 840 минг 365 дона китоб фондига эга. Кутубхоналар янги бадиий, сиёсий адабиётлар, ўқув қўлланмалари ва электрон дарсликлар билан таъминланмоқда.

Доимий комиссияларда

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичи билан тўлиқ қамраб олиш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ҳар бир ўқув йили учун тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Режага асосан, 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўғри жалб қилиш масалалари қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, мактаб ва коллеж раҳбарлари, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ҳамда "Камолот" ЁИҲ туман бўлими ходимлари билан ҳамкорликда ҳал этилаяпти. Айнан шу мавзуда барча мактабларда турли тадбирлар, учрашув ва суҳбатлар уюштирилмоқда. Таҳлиллар эса 9-синф битирувчиларининг кўпчилигида бугунги кунда иқтисодиёт, қурилиш, коммуникация, тиббиёт, педагогика йўналишларига қизиқиш ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Ҳа, "Ёшлар йили" Давлат дастури асосида амалга оширилган катта ишлар навқирон авлодни тарбиялашга қаратилган юксак эътибор намунасидир. Дастурда кўзда тутилган вазифаларни бажариш бир йил билан чегараланмайди, албатта. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб ном олган жорий йилда ҳам бу соҳадаги ишлар изчил давом эттирилади. Асосан, аграр соҳага ихтисослаштирилган туманимизда қишлоқ ёшлари масалалари доимий комиссиямизнинг мунтазам диққат-марказида бўлаверади.

Моможон ҚЎЧҚОРОВА,
халқ депутатлари Янгиариқ тумани кенгаши депутати.

Балиқчилик

Навоий вилоятидаги Айдаркўл, Тўдакўл ва Шўркўл ҳавзаларида азалдан парҳез маҳсулот — балиқ етиштирилади. Балиқчиликни ривожлантириш мақсадида бундан беш йил муқаддам "Аква-Тўдакўл" қўшма корхонаси ташкил этилиб, унга 490 минг АҚШ доллари миқдорида хориж инвестицияси киритилди.

ТЎДАКЎЛНИНГ ХАЗИНАСИ

— Бу маблағга Россиядан бир километр узунликдаги иккита тўр, тўртта "Ямаха" мотори, ўнта "Казанка" қайиғи, тунда ишлатиладиган ёритқичлар келтирилди, — дейди корхона мутахассиси Икром Мардонов. — Шунингдек, 50 километрлик радиусда гаплашиладиган рациялар ва электрмотор харид қилинди. Олтита катер таъмирланиб, ишга туширилди.

Балиқларни кўпайтириш учун янги инкубация цехлари қурилди. Уларда Россия ва исроиллик мутахассислар билан ҳамкорликда йилига 25 миллион дона чавоқ етиштириш йўлга қўйилди. Ана шу чавоқлар 60-200 граммгача боқилиб, сўнгра "Тўдакўл"га қўйиб юборилади. Натижада йилига 900 тоннадан зиёд балиқ овланмоқда.

Жамоада даромад манбаини ошириш мақсадида балиқлар қайта ишланмоқда. Консервалар Россия, Украина ва Туркияга чиқарилаётган бўлса, тирик балиқлар Навоий, Учқудуқ, Зарафшон шаҳарлари, Қизилтепа ва Кармана туманларидаги дўконларда сотилмоқда.

Гап шундаки, Тўдакўлда етиштирилаётган маҳсулот экологик жиҳатдан тоза. Шу боис харидоргир. Ҳозирда балиқ ишлаб чиқариш таннархини янада арзонлаштириш учун қуритиш цехи ҳам барпо этилмоқда.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МУЛККА ЭГАЛИК БУРЧИ

Суғурта тизими аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, айниқса, кишилар турмушида юз берадиган турли кўнгилсизликлар оқибатларини бартараф этишда алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис Юртбошимиз раҳнамолигида мазкур соҳани янада такомиллаштириш, тармоққа замонавий суғурта муносабатларини олиб кириш, энг муҳими, халқимиз онгида суғурта маданиятини юксалтиришга қаратилган кенг миқёсли ишлар, ислоҳотлар амалга оширилаётир.

"Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам шу эзгу мақсадларнинг, ёндашувларнинг амалий ифодаси, маҳсули саналади. Зотан, мазкур ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ, мамлакатимизда бутунлай янги суғурта тури — транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш жорий этилди. Ўтган йил 22 октябрдан ҳаётга татбиқ этила бошланган мазкур Қонун ижросини бугун 10 га яқин йирик суғурта компаниялари рўёбга чиқармоқда. Қонунда белгиланган талабга биноан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш, аввало, республика миқёсида фаолият олиб бораётган компаниялар зиммасига юклатилган.

"Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компанияси — ана шундай муассасалардан бири. Хусусан, унинг "Пойтахтсуғурта" суғурта агентлиги шуъба корхонаси Тошкент шаҳрида транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш ишларини олиб бораётир.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 июндаги «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорини амалга татбиқ этиш билан бугун 40 дан ортиқ сотиш шохобчаларимиз, 100 га яқин агентларимиз фаол шуғулланишмоқда, — дейди "Пойтахтсуғурта" директори Рустам Хидралиев. — Айни пайтда ходимларимиз асосий эътиборни мижозлар билан ишлашга қаратишаяпти. Зеро, фуқароларнинг мазкур суғурта турини жорий этишга туртки берган омиллар, унинг имкониятлари хусусида хабардорлиги ишимизнинг енгил кўчишига замин яратаяпти.

— Транспорт воситасининг мажбурий суғурталанишини ортиқча юмуш деб ўйлагандим, — дейди ҳайдовчи Отабек Раҳимов. — Аммо, мазкур Қонун моҳияти билан чуқур танишгач, унинг биз учун ниҳоятда зарур эканлигини тушундим. Мисол учун, фалокат босиб, йўлда машина аварияга учраб қолса, унча-мунча етказилган зарарни ҳар доим ҳам ундириб ололмасдик. Мажбур суғурта эса мана шу сингари ҳолатларнинг оқибатларини енгиллаштиради.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш ишлари қизғин кетмоқда. Айниқса, ушбу суғурта турининг аҳоли барча қатламлари учун мос равишда бажарилаётгани Қонуннинг самарали ижросига туртки бўлаяпти.

Суғурта

— Мен пенсионерман, — дейди Эргаш Жонжигитов. — Машинамни 50 фоизли имтиёз билан суғурта қилдирдим. Бундай имтиёзлар яна кўплаб тоифадаги шахсларга берилар экан.

Мана шундай кенг тушунтириш ишларининг бажарилаётгани боис "Пойтахтсуғурта" ҳар куни ўрта ҳисобда 200 дан зиёд полисларни транспорт воситалари эгаларига сотмоқда.

— Шу кунгача 5000 га яқин суғурта полисларини сотдик, — дейди Рустам Хидралиев. — Бу корхонамиз 20 миллиард сўмга яқин мажбуриятни ўз зиммасига олди, дегани.

Шуни таъкидлаш лозимки, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун 2009 йил 22 январдан, яъни бугундан кучга киради. Бу билан қонунда белгиланган тартибда ва вақтда мажбурий суғурта полисига эга бўлмаган транспорт воситаларини бошқариш маъмурий жавобгарликка тортилади.

Қ. ХИДИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Т. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.
СУРАТДА: «Пойтахтсуғурта» фаолиятидан лавҳа.

РАҲБАР ХОДИМЛАР ЎҚУВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртбошимиз маърузасида кўрсатилган устувор вазифаларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиш ва амалга ошириш давлат бошқарувининг турли бўғинларида хизмат қилаётган раҳбар ходимларнинг амалий фаолиятида муҳим аҳамиятга эга.

Семинарда жаҳон иқтисодий инқирози таъсирининг олдини олиш, худудлардаги саноат корхоналарини модернизациялаш, тадбиркорлик ва хусусий бизнес субъектларини, моддий ва интеллектуал мулк эгаларининг манфаатларини таъминлаш, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш ва мулкдорлар сафини кенгайтириш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштиришнинг асосий йўналишлари, аграр, банк-молия соҳаларида ислоҳотларни чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинмоқда.

Турли вазирлик ва идоралар, қўмиталар, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, олимлар ва етакчи мутахассислар иштирокида давра суҳбати, ўқув машғулотлари тарзида ўтказилаётган ушбу тадбирда мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда юртимиз хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб масалалари, ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, коммунал хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштиришга доир маърузалар ҳам тингланади ва муҳокама этилади.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА мухбири.

РЕКЛАМА ВА ҚОНУНЧИЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Лекин аҳоли эътиборига ҳавола этилаётган барча реклама материалларни ҳам ушбу меъёрларга мос, деб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси мутахассислари томонидан реклама бозорида ўтказилаётган мониторинглар натижасида 2008 йили бу борада беш юзга яқин қонунбузарлик ҳолати аниқланган. Шуларни ҳисобга олиб, реклама тарқатувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, рекламага оид қонунчилик меъёрларидан чуқурроқ хабардор бўлишини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги қонунига шарҳ" китоби тайёрланди.

Мазкур китобнинг Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтган тақдимотида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари А. Абдурашидов мамлакатимиз миллий қонунчилиги, аввало, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганини алоҳида таъкидлади. "Реклама тўғрисида"ги Қонун улардан биридир.

Ушбу қонунга шарҳлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент давлат юридик институти, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси мутахассислари томонидан ёзилди. Унда соҳага оид муносабатлар билан боғлиқ меъёрлар амалдаги норматив-ҳуқуқий база ёрдамида муфассал шарҳланган.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

ҚИШЛОҚДАН ТАРАЛАЁТГАН НУР

Ўшанда ёз ойлари эди. "Мироқи" сув омбори остидан отилиб чиқаётган сувнинг қудрати ерни титратарди. Гумбурлаши момақалдироқни эслатарди.

Ҳамроҳларимиздан бири бу зилол сув пастга энган сайин тинчланиб, далаларга оби-ҳаёт бўлиб таралишини эслаткан, "Шу ерда электр станцияси қурилса, икки томонлама фойда келарди", деган фикрни билдирди. Шунда "Мироқи" қўрғони фуқаролар йиғинининг раиси Мустафо Муҳиддинов суҳбатга қўшилди:

— Бир вақтлар бу ерда кичкина ГЭС бўлган, у кўплаб қишлоқларни электр токи билан таъминлаган. Агар энергия ресурслари танқис бўлиб бораётган ҳозирги пайтда ўша ГЭСни қайта тикласак, электр қуввати ўзимиздан чиқарди.

Раиснинг гапига фаришталар "омин" деган эканми, кўп ўтмай, ГЭС қурилиши бошланиб кетди. Фақат эски жойида эмас. Шундоккина тўғоннинг остида. Айниқса, "Ҳисорак" электр станцияси давлат корхонаси ташкил этилгач, уни ишга тушириш муддати ҳам аниқ белгиланди: 2009 йилнинг тўртинчи чораги.

— Мамлакатимизда электр энергиясига бўлган талабни тўлароқ қондириш мақсадида кичик ГЭСлар қуриш режали равишда амалга оширилмоқда, — дейди "Ҳисорак" ГЭСи давлат корхонаси бошлиғи Турсун Муродов. — Бизнинг станция ҳам шулар сирасига киради. "Оқсув" дарёси ўзанида қурилган "Ҳисорак" сув омбори денгиз сатҳидан минг метр баландликда жойлашган. Унинг тўғони баландлиги 140 метр. Унда 170 миллион куб метргача сув тўпланади. Катта босим остида отилиб чиқаётган сув улкан энергия манбаи эканлиги эса ҳеч кимга сир эмас. Бу сув қудратли турбиналарни ҳаракатга келтиради.

Ифтихор

Ҳозиргача ГЭС қурилиши бўйича белгиланган ишнинг 90 фоизи бажарилди. Унинг "юраги" — машина залида Украинанинг Харьков шаҳридаги "Турбаатом" ОАЖда тайёрланган 2 та гидротурбина, Россиянинг Новосибирск шаҳридаги "ЭлСиб" ОАЖда ишлаб чиқарилган, ҳар бирининг қуввати 22,5 мегаватт бўлган 2 та гидрогенератор ўрнатилган. Мой насослари эса Австриядан келтирилган. Қурилиш ишларини "Ҳисорак сув иншоотлари қурилиши" очиқ акциядорлик жамияти қурувчилари, ускуналарни ўрнатишни "Туронэлектрмонтаж", "Теплоэнергомонтаж" каби пудратчи ташкилотлар мутахассислари амалга оширмоқдалар.

"Ҳисорак" ГЭСи ишга тушгач, йилига ўртача 100 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу — мамлакатимизнинг ягона электр энергия тармоғи қувватига қўшиладиган салмоқли ҳисса. Шуниси диққатга сазоворки, у асосан, қишлоқ хўжалик экинларининг вегетация даврида ишлайди ва Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ туманлари ҳудудидаги кўплаб артезиан қудуқларига ўрнатилган сув насосларини бир маромда электр энергияси билан таъминлаб туради.

Мутахассисларнинг фикрича, генераторларининг қуввати 5,2 мегаватт бўлган эски кичик ГЭСни тиклаш режаси ҳам йўқ эмас. Агар бу режа рўёбга чиқса, яқин орада Мироқи қўрғони мамлакатимиздаги иккита ГЭСи бўлган ягона худудга айланса, ажаб эмас.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Аввал хабар қилганимиздек, 2008 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки «Аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши банки» номинациясида биринчи ўринни эгаллади. Мамлакатимизда етакчи банклар ичида карвонбошчилик қилаётган ушбу молия муассасаси ўз иш фаолиятини давр тақозо этаётган талаблар асосида йўлга қўйганлиги туфайли шундай ютуқни қўлга киритди.

Ўзбекистон Миллий банки:
ЕТАКЧИЛИК МАСЪУЛИЯТИ

Омонатчилар маблағларига турли имтиёзлар берилгани, хусусан, жамғармаларни кафолатли сақлашларига имкониятлар яратилгани аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг ишончли молиявий воситачи сифатидаги обрўсини ошириш учун зарур шарт-шароит яратди.

Айни пайтда банк ривожланган инфратузилмага эга бўлиши, мижозларга хавфсиз хизмат кўрсатилишини таъминлаши ҳамда ушбу хизматлар сифати ва турлари бўйича замонавий мезонлар — рейтингларга мувофиқ бўлиши керак.

Миллий банк бу талабларнинг барчасига жавоб беради. Зеро, ҳозирда 1,5 миллион кишидан ортиқ мижоз унинг хизматларидан баҳраманд. Шу боис, «Ўзмиллийбанк»нинг фирма рамзини ҳамма танийди ва бунда юқори сифатли ҳамда ишончли банк маҳсулотлари ва хизматлари тушунилади.

Миллий банк фаолияти мунтазам ва изчил йўлга қўйилганлиги учун 2008 йилнинг охирига келиб мазкур банк мижозлари сони йил бошидагига нисбатан 18% кўпайиб, 1.803,5 минг кишини ташкил этди. Банк Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг катта улуши бўйича хизмат кўрсатмоқда. 612 тадан ортиқ етакчи халқаро банкларни қамраб олган кенг вакиллик тармоғи операциялар кўламини кенгайтириш, корхоналаримиз ва ташкилотларнинг хорижий шериклар билан ҳисоб-китобларини ташкил этиш, жаҳоннинг исталган жойида жисмоний шахсларнинг пул жўнатмаларини амалга ошириш учун имкон бераяпти.

Кўп йиллик иш тажрибаси, халқаро рейтинглар билан қайта-қайта тасдиқланаётган етакчилик мавқеи, замонавий технологиялар ва юқори малакали ходимлар банкка иқтисодиётнинг базавий тармоқлари ҳам, кичик бизнес молияланишини юксак даражада таъминлаш имконини бераяпти.

ҲАЁТБАХШ ЛОЙИҲАГА — САМАРАЛИ САРМОЯ

Мамлакатимиз иқтисодий ўсишининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаш Миллий банк фаолиятида устувор ўрин тутади.

Юртимизда мавжуд хом ашёни чуқур қайта ишлашга, юксак профессионал даражадаги меҳнат ресурсларидан фойдаланишга асосланган қувватларни ривожлантириш ҳамда шу асосда корхоналарнинг экспорт учун ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш салоҳиятини оширишга йўналтириладиган хорижий инвестицияларни жалб этиш бу ишнинг энг асосий таркиби ҳисобланади.

Субъектлар валюта ресурсларидан фойдалана олишларини таъминлаш учун Миллий банк мана кўп йиллардирки, ЕТТБ, ОТБ, ХМК, КФВ, ОПЕК Фонди каби машҳур халқаро молия муассасаларининг кредит йўналишлари маблағларидан фойдаланган ҳолда лойиҳаларни молиялаш амалиётини олиб бораяпти. Мамлакатимиз тадбиркорларига ЭКВда ажратилган кредитларнинг аксарият қисми Миллий банк улушига тўғри келади. Хорижий кредит йўналишлари маблағлари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаш доирасида

Миллий банк томонидан қиймати 485,6 млн. АҚШ доллари бўлган 196 та лойиҳа молиялашга қабул қилинди. Улар бўйича кредитлар ҳажми 285,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Йўналтирилган сармоя тадбиркорларимизга замонавий ускуналар, илғор ва юқори самарали технологиялардан фойдаланиши учун йўл очмоқда. Бу эса, истиқболда ишбилармонларга ишлаб чиқаришнинг янада юқорироқ даражасига кўтарилиш ва ўз тараққиётининг янги босқичига кириш имконини беради.

Мазкур муассаса 2008 йилда ўз маблағлари ҳисобидан 275,1 млрд. сўмлик кредит берди. Имтиёзли кредитлаш фонди маблағлари ҳисобидан берилган микрокредитлар 2,4 млрд. сўмликни ташкил этди. Бюджетдан ташқари фондлар йўналишлари бўйича кичик бизнес субъектларига 3,3 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда кредитлар ажратилган. Шундан 3,0 млрд. сўми Бандликка кўмаклашиш фонди маблағлари ҳисобидан берилди.

Кредит ажратишда, аввало, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, минтақа эҳтиёжлари ҳисобга олинади. Юртимизнинг бой хом ашё ресурсларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва шу кабилар билан боғлиқ лойиҳаларга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ўтган бутун давр мобайнида корхоналар томонидан умумий қиймати 200 млрд. сўмли ташкил этадиган озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноат моллари, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги товарлари, кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 57,3 млн. АҚШ доллари қийматидаги товарлар экспорт қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини молиялаш ҳажмлари муттасил оширилмоқда. Зеро, Миллий банкнинг молиявий стратегияси ва бугун фаолияти пировардида ягона мақсад – мамлакат иқтисодиёти гуллаб-яшнашига эришишга қаратилган.

КРЕДИТЛАР — ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИГА

Иқтисодиётни кредитлаш Миллий банк фаолиятининг асоси ҳисобланади – унинг активлари тузилишида кредитлар 60% дан ортиқ ўринни эгаллаган. Кредит портфели ҳажми 2009 йил 1 январдаги ҳолатга кўра 2.105,4 млрд. сўмни ташкил этди.

Хорижий банкларнинг такрор молияланган манбалари ҳисобидан лойиҳаларни молиялаш ва кредитлаш ишлари илгари ажратилган кредит йўналишларини ўзлаштириш ҳисобига лойиҳаларни молиялаш, янги кредит йўналишларини жалб этиш, лизинг шартномалари юзасидан хизмат кўрсатиш, кафолат ва факторинг операцияларини амалга ошириш, хорижий банкларнинг молиявий агенти функцияларини бажариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига кирган лойиҳаларни молиявий жиҳатдан таъминлаш каби асосий йўналишлар бўйича олиб борилаяпти.

Банк инвестицияларининг энг катта ҳажми нефть қазиб олиш ва нефтни қайта ишлаш, машинасозлик, озиқ-овқат саноати, рангли ва қора металлургия, тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳаларини, алоқа, транспорт ва сайёҳлик инфратузилмаларини ривожлантиришга қаратилган.

Ҳозирги вақтда Миллий банк умумий қиймати 3,88 млрд. АҚШ доллари бўлган (эквивалентда) 110 та инвестиция лойиҳаси бўйича 145 та хорижий кредит юзасидан хизмат кўрсатмоқда.

Банк томонидан молияланган охирги лойиҳалар орасида Тошкент вилоятида Оҳангарон ГЭС қурилиши, Андижон вилоятида Андижон ГЭС-2 қурилиши, «Ўзбекнефтгаз» МХКни бурғулаш қурилмалари ва сейсмокидирув комплекслари билан жиҳозлаш каби лойиҳаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Шунингдек, умумий кредит эҳтиёжи 15,8 млн. АҚШ долларини ташкил этадиган 3 та лойиҳа бўйича молиялаш ишлари бошланган. Хусусан, Марказий Фарғонадаги шудгорланадиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, Андижон вилоятидаги «Раиш-Хакент»-1 ҳамда «Улуғнор» насос станцияларини реконструкциялаш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, агросаноат мажмуи, телекоммуникациялар ва технологияларни ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар бўйича хорижий банклар билан бир қанча қарз битимлари тузилди. Бу лойиҳаларни молиялаш ишлари келгуси йилларда амалга оширилади.

Инвестиция жараёни бўйича ҳамкорлар билан ишлаш борасида тўпланган тажриба шундан далолат бермоқдаки, муҳим саналган жиҳатлар инвестиция лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш учун катта аҳамиятга эга. Буларга, биринчи навбатда, инвестиция лойиҳаларини синчиклаб тайёрлаш ҳамда инвестициялар бозоридаги хатти-ҳаракатларнинг изчил дастури киради.

Президентимиз томонидан банклар олдига қўйилган вазифаларни бажариш, капиталлашув даражасини ошириш, кредит портфелини сегментлаштириш мақсадида, Миллий банк 2008 йилда иқтисодиётнинг реал секторини ва устувор йўналишларни кредитлаш ишларини, жумладан, ипотека ҳамда истеъмол кредитлари беришни давом эттирди. Зеро, улар ёш оилалар, аҳолининг кам таъминланган ва кенг қатламлари банк ресурсларидан фойдаланишини таъминлайди.

Истеъмол кредитларининг ажратилиши талаб ортишига, ижтимоий қайта ишлаб чиқариш ва фаровонлик даражаси ўсишига олиб келади. Ҳолбуки, истеъмол кредитлари, биринчи навбатда, товарлар ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириши ҳеч ким учун сир эмас.

Истеъмол кредити Миллий банк томонидан жисмоний шахсларга ўзимизда ишлаб чиқарилган ҳамда уларнинг истеъмол эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган товарлар, ишлар ва хизматларни сотиб олиш учун берилмоқда.

Ипотека кредитлари бериш тизими аҳолининг барча қатламларига янги квартиралар эгаси бўлиш имконини беради. Бу эса, ўз навбатида, оммавий қурилиш лойиҳалари амалга оширилишига, қурилиш саноати ва бинокорлик материаллари саноати ривожланишига олиб келади. Квартирани кредит ҳисобидан сотиб олиш эса, аҳолига ўзининг уй-жой муаммосини уйнинг тўлиқ қийматини жамғариш ва тўлашдан анча эрта ҳал этиш имконини бераяпти.

2008 йилда Миллий банк жами 969 млрд. сўмлик кредитлар берди. Шундан 724,7 млрд. сўми миллий валютада ажратилди. Бу эса, 2007 йилдагидан (412,3 млрд. сўм) деярли икки баравар кўп. Хорижий валютада берилган кредитлар 177,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди (2007 йилда бу кўрсаткич 124,3 млн. АҚШ доллари эди).

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ — ДАВР ТАЛАБИ

Миллий банк ҳозирги кунда мамлакатдаги энг катта инвестиция банки ҳисобланади. Унинг ривожланган инфратузилмаси Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларни фаол қўллаб-қувватлаётган молия ва саноат шўъбалари ривожланишида ёрдам бераяпти.

Барча зарур ресурслар, жумладан ҳам молиявий, ҳам интеллектуал ресурслар мавжудлиги банкнинг республика қимматли қоғозлар бозорида самарали фаолият юритишида қўл келмоқда.

Хусусан, Миллий банк йирик корхоналарга андеррайтинг хизматлари кўрсатиш, траст, брокерлик, РЕПО операцияларини бажариш, шунингдек, инвестиция-банк хизматлари мажмуини тақдим этиш орқали маслаҳат хизматлари кўрсатиш фаолиятини қизғин олиб бораяпти.

Фаолият кўламини кенгайтириш, мижозларни кўпайтириш билан бир вақтда банк қимматли қоғозлар ва улушларга инвестицияларни амалга ошириш чоғида юритаётган инвестиция сиёсати асосий мезон сифатида фонд портфели даромадлилиги таъминланишини кўзда тутади.

Банк томонидан молия бозори муассасаларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, инвестицияларнинг аксарият қисми банкларга (53,8%), лизинг компанияларига (11,47%) ва суғурта компанияларига (6,07%) йўналтирилган.

2008 йилда «ЎзМЕДлизинг» ва «NBU INVEST GROUP» каби компанияларга маблағлар йўналтирилди. Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари қанчалик катта стратегик аҳамиятга эгалигини эътиборга олиб, банкнинг «Микрокредитбанк» АЖ, «ЎзКДБ» ЕАЖ, «Қурилиш лизинг» ЛК ОАЖ, «Ўзметкомбинат» АИЧБнинг устав сармояларидаги улуши кўпайтирилди.

Иқтисодиётнинг реал секторига мансуб корхоналарни қўллаб-қувватлаш банк инвестиция фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга. «Ўзмиллийбанк» Чкалов номидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ, «Ўзавиализинг» ОАЖ ва «Ўзметкомбинат» АИЧБ каби корхоналарнинг акциядори ҳисобланади.

Банкнинг ресурс базасини янада мустаҳкамлаш, капиталлашув даражасини ошириш учун 2008 йилда депозит ва депозит (жамғарма) сертификатларини чиқариш ҳисобига аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларининг вақтинча бўш пул маблағларини жалб этиш ишлари фаол олиб борилди. 2008 йилда умумий қиймати 100,1 млрд. сўм бўлган депозит ва жамғарма сертификатларининг 2 нашри чиқарилди. Шулардан 100 млрд. сўмлиги юридик шахслар учун ва 100 млн. сўмлиги жисмоний шахслар учун чиқарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда иккиламчи фонд бозорини янада ривожлантириш мақсадида «Ўзмиллийбанк» бошқа тижорат банклари билан биргаликда «Элсис-Савдо» БТСЭТ ЁАЖнинг фаолиятини такомиллаштириш ишларини давом эттирди.

Шунингдек, мазкур қарор билан тасдиқланган 2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш дастурига мувофиқ, қимматли қоғозлар билан савдо қилиш электрон тизими миқёсларини янада кенгайтиришга доир комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Унга биноан, ҳозирги вақтда буюртманомалар қабул қилиш минтақавий пунктлари тармоғи кенгайтирилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида банк томонидан «NBU INVEST GROUP» инвестиция компанияси ташкил этилди. «Ўзмиллийбанк»нинг мазкур компания устав фондидаги иштироки 100 фоизни ташкил қилди. Ҳозирги вақтда ушбу компания сармоясига йирик хорижий шерикни жалб этиш масаласи ишлаб чиқилмоқда.

Компаниянинг уставида белгиланган бош вазифалар хорижий инвестицияларни жалб этиш, инвестиция фондларини ташкил этиш, консалтинг, андеррайтинг, депозитар хизматлар ҳамда активларни бошқаришга доир хизматлар кўрсатиш ва бошқалардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги Фармони талабларининг тўла-тўкис бажарилишини таъминлаш мақсадида Миллий банк банкрот корхоналарнинг мол-мулкини ўз балансига қабул қилиб, улар негизида ўз шўъба корхоналарини ташкил этди. Янги ташкил қилинган корхоналар уларни реструктуризациялаш, лойиҳада белгиланган қувват билан ишлаш даражасига чиқариш ҳамда стратегик инвесторларга сотиш мақсадида банкнинг шўъба корхоналари — «NBU Invest Group» ва «NBU Investment» инвестиция компанияларига бошқариш учун топширилди.

МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

Мамлакатимиз савдо ва инвестициялар, кўп томонлама иқтисодий ҳамкорликка оид узоқ муддатли дастурларни амалга ошириш соҳасида энг яқин қўшнилар билан ҳамжиҳат ишлаш салоҳиятидан максимал даражада фойдаланиш борасида пухта ўйланган изчил сиёсат юритиш Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштиришнинг асосий йўналишларидан биридир.

Банк тизими ўз фаолияти билан, жумладан халқаро молия муассасаларининг маблағларини жалб этган ҳолда минтақавий ҳамкорликни фаоллаштиришда муҳим роль ўйнаши керак. Шу боис, Ўзбекистон Миллий банкининг тажрибаси, ресурслари ва яхши йўлга қўйилган алоқалари мазкур соҳага ҳам йўналтирилган.

Миллий банк шундай ривожланишга кўмаклашиб, Ғарбий Европа, Россия, Индонезия, Корея, Хитой ва Ҳиндистон молиявий банк доиралари билан мустаҳкам алоқалар боғлаган, бир қанча икки томонлама битимларни имзолаган.

Хусусан, телекоммуникация ускуналари ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилишини молиялаштириш ва рағбатлантириш мақсадида 2008 йилда миллий валютадаги 20 та ва хорижий валютадаги 13 та янги омонат амалга киритилди.

Бундан ташқари, сентябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан «Янгилик» муддатли депозити бўйича ютуқлар тиражи ўтказилди. Тираж натижаларига кўра, омонатчиларга тўланган ютуқлар умумий ҳажми 18,3 млн. сўмни ташкил этди.

2008 йилда Миллий банк «Western Union», «MIGOM» ва «Осиё-Экспресс» тизимлари орқали, жумладан, «CONTACT» ва «Лидер» тизимларига кирган вакил банклар тармоғидан фойдаланган ҳолда тезкор пул жўнатмаларини амалга ошириш ишларини давом эттирди. Улар бўйича бажарилган операциялар умумий ҳажми йил давомида 40% кўпайиб, 171,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида банк муассасалари аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш ишларини олиб бораяпти.

2008 йил давомида қабул қилинган коммунал ва бошқа тўловлар ҳажми 65,7 млрд. сўмни ташкил этди. Бу эса, аввалги йилдагига нисбатан 1,5 баравар кўпдир. Жумладан, 114 та ихтисослаштирилган касса (шулардан 10 таси — мини банклар) ҳам нақд шаклда, ҳам пластик карточкалардан нақдсиз пул чиқариш йўли билан 36,5 млрд. сўм ҳажмидаги тўловларни (умумий ҳажмнинг 55%) қабул қилди.

Чакана мижозлар миқдори анча кўпайганлиги аҳолининг кучли ишончи, омонатлар шартларини мақбуллаштириш, янги банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда хизматлар сифатини яхшилаш борасида олиб борилаётган аниқ мақсадли ишлар натижасидир.

ТЕЗКОР ВА ҲОЗИРЖАВОБ ХИЗМАТ

Миллий банк ўз хизматлари доирасини анча кенгайтириб, мижозларга ҳам корпоратив, ҳам чакана хизматлар кўрсатувчи универсал банкка айланди. Ҳозирги кунда банк соҳасида ҳам кенг қўлланилаётган Интернет технологиялари фаол ривожланмоқда. Натижада Интернетдан фойдаланиладиган банк хизматларига талаб пайдо бўлди. Шу билан бирга менежерлик қарорларини қабул қилиш учун зарур ахборотга ишлов бериш билан боғлиқ янги талаблар вужудга келди.

Миллий банк ўз иш хусусиятларига кўра ахборот тизимларини жаҳон стандартлари даражасида ривожлантираяпти, ахборот технологиялари соҳасидаги пешқадамлик мавқеини сақлаб туриш учун барча зарур имкониятларга эга.

2008 йилда Миллий банк амалий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва модернизациялаш ҳамда амалдаги автоматлаштирилган банк тизимларини модернизациялаш ишларини давом эттирди. Миллий банк ўзининг фойдаланувчиларини қўллаб-қувватлаш хизматини ташкил қилганлиги банкнинг ахборот технологиялари инфратузилмасини ривожлантиришда истиқболли йўналиш бўлди. Бундай хизмат жаҳон амалиётида «Service Desk» деб аталади.

Мониторинг бўйича статистика ва таҳлил ҳисоботларини шакллантириш учун мўлжалланган дастурий маҳсулотларни ривожлантириш ишлари доимий равишда олиб борилаяпти.

Масофадан туриб электрон ҳужжатлар алмашиш «R-Bank» («Мижоз-Банк») тизимини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш давом эттирилди. Мазкур тизим «Ўзмиллийбанк»нинг 42 та бўлимида жорий этилган бўлиб, 2009 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, унда 1.461 мижозга хизмат кўрсатиляпти.

Интернет-банкинг хизмати ривожлантирила бошланди. Интернет орқали хизмат кўрсатишга мослаштириш учун «R-Bank» тизими модернизация қилинди.

Мини банк дастурий комплексини қувватлаш давом эттирилди. Минибанк комплекси «Ўзмиллийбанк» бўлим ва филиалларидан узоқда жойлашган пунктларда банк ходимлари мижозларга тўла-тўкис хизмат кўрсатишини таъминлаш учун мўлжалланган. Ҳисобот даврида ушбу дастур 12 та янги пунктда жорий этилди. Ҳозирги вақтда мини банк комплекси 78 та пунктда ўрнатилган.

«WS Personal» («Веб-сфера Персонал») тизими ишлаб чиқилиб, синов тариқасида фойдаланила бошланди. Ушбу тизим банк ходимлари учун электрон ҳисоб юритиш, электрон ҳужжатлар айланиши дастурида, жумладан, бизнес-жараёнларни автоматлаштириш дастурида муаллифлаштириш операцияси бажариладиган ягона нуқта бўлиб хизмат қилади. Мазкур комплекс ходимлар учун «шахсий электрон кабинет» бўлади ва ҳужжатлар электрон шаклда юритилиши ва ҳисобга олинишини таъминлайди. Ушбу комплекс ғоят кам вақт сарфлаб, зарур (алоқа боғлашга доир, кадрлар билан боғлиқ, молиявий ва бошқа) маълумотларни олиш имконини беради.

ЮТУҚНИ КАДРЛАР ҲАЛ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида 93 та таркибий бўлинма, 82 та мини банк ва 104 та ихтисослаштирилган касса ишламоқда.

Ҳозирги вақтда «Ўзмиллийбанк»нинг кадрлар тайёрлаш стратегияси Миллий банк ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини янада ривожлантиришга қаратилган. «Ўзмиллийбанк» кадрлар малакасини ошириш тизимини банкнинг оператив эҳтиёжлари ва стратегик манфаатларига таянган ҳолда қурмоқда. Кадрлар захирасини тайёрлаш масаласига катта эътибор берилаяпти. Унинг таркибига банк тизимидаги 300 дан зиёд истиқболли мутахассислар киритилган.

Миллий банкда Мутахассислар малакасини ошириш маркази муваффақиятли ишлаб турибди. Унда ҳар йили мингдан зиёд ходимлар, шунингдек, республикадаги бошқа молия муассасаларининг ходимлари ўқиб, қайта тайёргарликдан ўтмоқда. Ўнлаб ўрта ва олий бўғин раҳбарлар ўқиш ҳамда малака ошириш учун чет элларга юборилаяпти. Банк ўз ходимларининг республика олий ўқув юртларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий махсус маълумот олишини молиялаштирилаяпти.

Йил давомида «Ўзмиллийбанк» мутахассислари малакасини ошириш марказида 24 курс бўйича машғулотлар ташкил қилинди. Уларда 362 мутахассис ўқитилди. Шулардан 174 нафари номенклатурадаги лавозимларга резервда турган мутахассислардир.

Хорижий вакил банклар, хорижий шериклар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мақсадида 2008 йилда 50 нафар мутахассис чет давлатларда ўз малакасини оширди. Улар хорижий банклар ва молия муассасаларида ўтказилган халқаро банк семинарлари, тренинг-курслар, халқаро конференциялар қатнашдилар.

* * *

Келажакни кўзлаган ва пухта ўйланган кредит сиёсати, иқтисодиётнинг реал шўъбасини молиялаш учун хорижий кредитларни ўз вақтида жалб этиш, мижозлар даврасини кенгайтириш, хизматлар турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш Миллий банк муваффақиятли фаолият юритишининг омили ҳисобланади. Зеро, мижозларнинг молиявий аҳволи яхшиланиши банк гуллаб-яшнашининг асосидир.

Шак-шубҳасиз, юқорида тилга олинган омиллар Миллий банк учун ҳамиша устувор мақсад бўлиб қолаверади.

«Ўзмиллийбанк» матбуот хизмати.

Банк — иқтисодиёт таянчи

раяпти, иш ҳақи лойиҳалари доирасида жисмоний шахсларга овердрафт кредитларини, шунингдек, пул жўнатмалари ва йўл чеклари билан боғлиқ хизматларни, VISA халқаро пластик карточкалари бўйича хизматларни тақдим этмоқда.

БАНКОМАТ ЁНИГА ИНФОКИОСКЛАР

Ҳозирги кунда бутун дунёда нақд пулсиз чакана тўловлар тизимида пластик карточкалар биринчи ўринда турибди. Ҳисоб-китоб қилиш қулайлиги, нақд пул айланиши камайиши ва хизмат кўрсатиш харажатлари қисқариши, пул маблағларини сақлаш ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги — тижорат банклари тарқатаётган пластик карточкаларнинг ҳеч қандай баҳс-мунозарага ўрин қолдирмайдиган афзалликлари.

Республикада сўм ва халқаро пластик карточкалар чиқарадиган энг катта эмитент ҳисобланувчи Миллий банк ушбу замонавий банк маҳсулотини аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар орасида янада оммалаштириш ва амалий турмушга кенг жорий этиш ишларини давом эттирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича Миллий банк 2009 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари, уяли алоқа хизматидан фойдаланганлик учун тўловларни қабул қилиш пунктлари, дорихоналар, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари, авиа ва темир йўл кассаларини ўз ичига олувчи республика савдо-сервис корхоналарида, ихтисослаштирилган кассалар, минибанклар ва банк муассасаларининг ўзида «UZKART» тизими микропроцессорли пластик карточкалари эгаларига хизмат кўрсатиш учун 3.968 та терминал ўрнатган. Бу терминаллар «UZKART» иштирокчиси бўлган 21 банк томонидан республикада ўрнатилган жами терминалларнинг 1/5 қисмини ташкил этади.

Ўтган йили Миллий банк пластик карточкаларни тўлов учун қабул қилувчи савдо-сервис корхоналари тармоғини анча кенгайтириб, улар миқдорини 2.653 тадан 3.553 тага етказди. Қўшимча равишда 1.164 та терминал сотиб олиб, савдо-сервис корхоналарига ўрнатди. Бунда уларнинг умумий миқдори бир йўла 30% кўпайди. Терминаллар ўрнатиладиган савдо-сервис корхоналарини белгилаётганда карточка ушловчиси бўлган мижозларни сўроқлаш натижалари, шунингдек, банк билан иш ҳақи лойиҳалари бўйича шартномалар тузган корхона ва ташкилотларга бу савдо нуқталари қанчалик яқин жойлашгани ҳисобга олинади. Бундан ташқари, банк ҳар бир терминал орқали ўтган савдо айланмасини доимий асосда мониторинг қилиб боради ва бу кузатув якунлари асосида терминаллар фаол ишламаётган савдо нуқталаридан қайтариб олиниб, мижозларнинг талаби кўпроқ бўлган савдо-сервис корхоналарига ўрнатилади.

2009 йил январь ойигача банк ихтиёрида 97 та банкомат бор эди. Шу ойга келиб, банк қўшимча равишда принципиал янги ускуна — инфокиосклар сотиб олди. Бу янги ускуналар кўпчилик кириши мумкин бўлган жойларга коммунал хизматлар, уяли алоқа хизматлари ва бошқалар учун карточкалар орқали тўловларни қабул қилиш мақсадида ўрнатилади.

Шунингдек, банк томонидан 2008 йилда қарийб 180 мингта пластик карточка муомалага чиқарилди. Уларнинг умумий эмиссияси эса 1,3 миллион донадан ошди.

Сўм пластик карточкаларни тўлов учун қабул қилувчи савдо-сервис корхоналарида нақд пулсиз тўловлар бўйича айланмалар 146,8 млрд. сўмдан ошиб кетди. Бу эса, 2007 йилдаги шу кўрсаткичдан 2,3 баравар ортиқдир.

ДАРОМАДНИНГ МУҲИМ МАНБАИ

Миллий банк аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш соҳасида ҳам ўз етакчилик мавқеини сақлаб турибди. Миллий банк ушбу молия хизматлари бозорини ўзлаштиришда чакана мижозларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган банклар орасида пешқадамлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида, банк 2008 йилда жисмоний шахсларга узоқ муддатли депозитларнинг 15 турини таклиф қилди. Булар миллий валютадаги, АҚШ доллари ва ЕВРОдаги омонатлар эди.

ИШОНЧ ВА ЖОЗИБА

Ҳам миллий, ҳам хорижий валютадаги омонатчилар ҳамда пластик карта соҳиблари миқдори бетўхтов ўсиб бораётганлиги банк хизматлари бозоридаги маркетинг сиёсати Миллий банк томонидан тўғри танланганини ҳамда замонавий банк маҳсулотлари ва ускуналари фаол жорий этилаётганини, у ўз бўлим ва филиалларини мунтазам равишда моддий-техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаётганини, ходимларнинг малакаси доимий равишда ошириб борилаётганини кўрсатади.

Бундан ташқари, банк доимий мижозлар учун ҳам, потенциал мижозлар учун ҳам ўз хизматларининг жозибадорлигини ошириш, шунингдек, аҳолининг Миллий банкка бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида жамиятнинг ижтимоий ва ёш тоифаларини ҳисобга олган ҳолда, мунтазам асосда ҳар хил омонат турларини, жумладан пластик карталарни ишлаб чиқаяпти ва таклиф этаяпти, мижозларга хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантираяпти ҳамда ўзининг нарх ва тариф сиёсатини доимий ўзгариб турувчи иқтисодий ҳамда технологик омилларга қараб шакллантираяпти, истеъмол ва ипотека кредитлари беришни давом эттирмоқда.

Аҳолининг бўш пул маблағлари омонатларга жалб этилишини янада рағбатлантириш мақсадида 2008 йилда миллий валютадаги 20 та ва хорижий валютадаги 13 та янги омонат амалга киритилди.

Бундан ташқари, сентябрь ойида Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан «Янгилик» муддатли депозити бўйича ютуқлар тиражи ўтказилди. Тираж натижаларига кўра, омонатчиларга тўланган ютуқлар умумий ҳажми 18,3 млн. сўмни ташкил этди.

2008 йилда Миллий банк «Western Union», «MIGOM» ва «Осиё-Экспресс» тизимлари орқали, жумладан, «CONTACT» ва «Лидер» тизимларига кирган вакил банклар тармоғидан фойдаланган ҳолда тезкор пул жўнатмаларини амалга ошириш ишларини давом эттирди. Улар бўйича бажарилган операциялар умумий ҳажми йил давомида 40% кўпайиб, 171,1 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида банк муассасалари аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш ишларини олиб бораяпти.

2008 йил давомида қабул қилинган коммунал ва бошқа тўловлар ҳажми 65,7 млрд. сўмни ташкил этди. Бу эса, аввалги йилдагига нисбатан 1,5 баравар кўпдир. Жумладан, 114 та ихтисослаштирилган касса (шулардан 10 таси — мини банклар) ҳам нақд шаклда, ҳам пластик карточкалардан нақдсиз пул чиқариш йўли билан 36,5 млрд. сўм ҳажмидаги тўловларни (умумий ҳажмнинг 55%) қабул қилди.

Чакана мижозлар миқдори анча кўпайганлиги аҳолининг кучли ишончи, омонатлар шартларини мақбуллаштириш, янги банк маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда хизматлар сифатини яхшилаш борасида олиб борилаётган аниқ мақсадли ишлар натижасидир.

ТЕЗКОР ВА ҲОЗИРЖАВОБ ХИЗМАТ

Миллий банк ўз хизматлари доирасини анча кенгайтириб, мижозларга ҳам корпоратив, ҳам чакана хизматлар кўрсатувчи универсал банкка айланди. Ҳозирги кунда банк соҳасида ҳам кенг қўлланилаётган Интернет технологиялари фаол ривожланмоқда. Натижада Интернетдан фойдаланиладиган банк хизматларига талаб пайдо бўлди. Шу билан бирга менежерлик қарорларини қабул қилиш учун зарур ахборотга ишлов бериш билан боғлиқ янги талаблар вужудга келди.

Миллий банк ўз иш хусусиятларига кўра ахборот тизимларини жаҳон стандартлари даражасида ривожлантираяпти, ахборот технологиялари соҳасидаги пешқадамлик мавқеини сақлаб туриш учун барча зарур имкониятларга эга.

2008 йилда Миллий банк амалий дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва модернизациялаш ҳамда амалдаги автоматлаштирилган банк тизимларини модернизациялаш ишларини давом эттирди. Миллий банк ўзининг фойдаланувчиларини қўллаб-қувватлаш хизматини ташкил қилганлиги банкнинг ахборот технологиялари инфратузилмасини ривожлантиришда истиқболли йўналиш бўлди. Бундай хизмат жаҳон амалиётида «Service Desk» деб аталади.

Мониторинг бўйича статистика ва таҳлил ҳисоботларини шакллантириш учун мўлжалланган дастурий маҳсулотларни ривожлантириш ишлари доимий равишда олиб борилаяпти.

Масофадан туриб электрон ҳужжатлар алмашиш «R-Bank» («Мижоз-Банк») тизимини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш давом эттирилди. Мазкур тизим «Ўзмиллийбанк»нинг 42 та бўлимида жорий этилган бўлиб, 2009 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, унда 1.461 мижозга хизмат кўрсатиляпти.

Интернет-банкинг хизмати ривожлантирила бошланди. Интернет орқали хизмат кўрсатишга мослаштириш учун «R-Bank» тизими модернизация қилинди.

Мини банк дастурий комплексини қувватлаш давом эттирилди. Минибанк комплекси «

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" IV Миллий мукофоти учун халқаро танловини ўтказади.

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» IV МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2008 йилнинг 31 мартидан 2009 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва Интернет нашрларида берилган материаллар 2009 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3- ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот — 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика — 1-, 2-, 3- ўринлар).

Биринчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган ғолиблар диплом, "Олтин қалам" кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

— журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;
— фаол фуқаролик позицияси учун;
— ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
— ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
— "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"га бағишланган энг яхши материал учун;
— маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;
— ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги энг яхши материал учун;
— энг яхши журналистик текширув учун;
— мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун;
— энг яхши режиссёрлик иши учун;
— энг яхши матбуот хизмати;
— энг яхши фоторепортаж учун;
— энг яхши карикатура учун;
— чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.

Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича ғолиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда Интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиоэшиттиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва Интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

— муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
— муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
— паспорт нусхаси.

Танлов ғолибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Материаллар "Олтин қалам" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар. Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87. www.Journalist.uz

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

«ПАХТАКОР» ЯРИМ ФИНАЛДА

Москвада футбол бўйича давом этаётган МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоги беллашувлари ҳал қилувчи паллага кирди.

Муҳими, гуруҳ ўйинларини кўтаринки руҳда ўтказган "Пахтакор" жамоаси ҳақли равишда кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритганди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, футболчиларимиз гуруҳдаги учинчи учрашувда Қозоғистон чемпиони "Актобе"га қарши 90 дақиқа давомида асосий таркиб ўйинчилари билан ҳаракат қила олмади, деб хабар беради Ўзбекистон футбол федерацияси матбуот хизмати. Сабаби, терма жамоага таклиф этилган футболчиларимизга биринчи бўлим тугагандан сўнг дам берилди. Учрашувда 1:1 — дуранг натижа қайд этилди.

Кеча "Пахтакор" чорак финалда "В" гуруҳида учта ғалабага эришган "Экранас" (Литва)га қарши майдонга чиқди. Учрашув бошидан ташаббусни қўлга олишга ҳаракат қилган футболчиларимиз рақиб дарвозаси ёнида кўплаб хавфли вазиятларни юзага келтирдилар. Айниқса, Александр Гейнрих шу куни жуда фаол ҳаракат қилди. Биринчи бўлимда йўқотилган дақиқаларга берилган қўшимча вақтда Александр Клецков стандарт вазиятдан ҳисобни очди — 1:0.

48-дақиқада Асрор Алиқулов рақиб футболчисини жарима майдончаси ичида қўполлик билан йиқитди ва қизил карточка олиб майдондан четлатилди. Литвалик футболчилар ўн бир метрлик жарима тўпидан ҳисобни тенглаштиришди — 1:1.

Шундан сўнг "Экранас" футболчилари ҳужумга зўр беришди. Майдонда ўн киши бўлиб ҳаракат қилган "Пахтакор", асосан, қарши ҳужум тактикасига таянди. Шу ўринда дарвозабон Темур Жўраев ўз вазифасини аъло даражада уддалаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. 79-дақиқага келиб "Экранас" футболчиси Таави Раян қўполлик қилгани учун майдондан четлатилди. Учрашув якунигача дуранг натижа сақланиб қолди. Мусобақа низомига кўра, қўшимча бўлимлар белгиланмасдан, футболчилар ўн бир метрлик жарима тўпи тепишда омадларини синаб кўрдилар. Жарима тўпларини Ихероуме Уче, Станислав Андреев, Александр Клецков, Дарко Марковичлар бехато бажаришди. Ушбу ўзига хос лотереяда "Пахтакор"га омад кулиб боқди. Якуний ҳисоб — 5:3. Футболчиларимиз ярим финалда.

Шунингдек, кеча "Актобе" (Қозоғистон) — МТЗ-РИПО (Беларусь), "Шериф" (Молдова) — Вентспилс (Латвия), "Интер" (Озарбойжон) — "Регар-ТадАЗ" (Тожикистон) жамоалари ҳам ярим финал йўлланмаси учун ўзаро беллашдилар.



Ҳамюртларимиз совриндор

Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида ташкил этилган футбол бўйича ёшлар (U 20) ўртасидаги анъанавий "Дўстлик" халқаро турнири якунига етди.

Эътиборлиси, унда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси футболчилари муваффақиятли иштирок этишди. Юртдошларимиз гуруҳ ўйинларида Беларусь (1:0), Малайзия (4:2), Қатар (3:0) ёшлар терма жамоаларини мағлубиятга учратишди. Ярим финалда эса қитъанинг етакчи жамоаларидан ҳисобланган Япония ёшлар терма жамоасидан 3:2 ҳисобида устун келишди.

Куни кеча ўтказилган финал учрашувида вакилларимиз Сурия футболчиларига қарши майдонга тушдилар. 58-дақиқада Сурия ёшлар терма жамоаси аъзоси Хаъни ал-Тайар томонидан киритилган ягона гол ўйин тақдирини ҳал қилди. Шундай қилиб, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси фахрли иккинчи ўрин билан кифояланди.

Эслатиб ўтамиз, Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари ушбу турнирнинг ўтган йилгисида учинчи ўринни эгаллашганди.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Маълумки, жорий йил Осиё футбол конфедерацияси кубогида Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

«Нефтчи» машғулотларга киришди

Юрий Саркисян бошчилигидаги фарғоналик футболчилар ушбу нуфузли мусобақада муносиб иштирок этишни мақсад қилиб қўйишган. Айни пайтда "Нефтчи" Бирлашган Араб Амирликларининг Шаржа шаҳрида ўқув-йиғин машғулотларини ўтказмоқда. Бу ерда вакилларимиз мезбон "Ал-Аҳли" ҳамда Россия, Болгария, Украина жамоалари билан ўртоқлик учрашуви ўтказади.

Шундан сўнг машғулотлар Фарғонада давом эттирилади. Маълумотларга қараганда, таркибга ўтган мавсумда "Сўғдиёна"да тўп сурган Темур Мукманов қўшилган. Жамоани Ғайрат Ҳасанов, Руслан Мелзиддинов ва Носир Отақўзиев тарк этишган.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг самарали меҳнат қилиши, билим ва маҳоратини ошириши, ишбилармонлик салоҳиятини намоён этиши учун барча имкониятлар яратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим омил бўлаётир.

Фармон ва ижро

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси томонидан қишлоқ хўжалиги тизимидаги корхоналарда фаолият юритаётган хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини муҳофаза қилишда самарали иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашидан маълум қилишларича, корхоналар билан тузилаётган шартнома ҳамда келишувларга хотин-қизларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларига оид алоҳида бандлар киритилган. Меҳнат шароитига қараб 2-3 ёшгача фарзанди бўлган аёлларнинг иш вақтини қисқартириш, бола тарбияси учун берилаётган таътилларни узайтириш шулар жумласидандир.

Ушбу йўналишда ўтган йили қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаётган аёллар учун 196 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, уларни бепул тиббий кўрикдан ўтказиш учун 805 миллион, тиббий ёрдамга муҳтож аёлларнинг даволаниши учун эса қарийб 139 миллион сўм маблағ сарфланди.

Ўтган йили кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ўқув қуроллари ва дарсликлар олиб бериш учун тегишли корхоналар ҳисобидан 967,5 минг сўм сарфланди, 166 нафар аёл ўзи ишлаётган корхона ҳисобидан бепул даволанди.

Вилоятлар касаба уюшмалари кенгашлари томонидан жойларда янги иш ўринлари яратиш, аҳолини, жумладан, аёлларни иш билан таъминлаш бўйича меҳнат биржалари билан кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўтган йили тармоқнинг 80 ташкилот ва корхонасида қарийб 850 иш ўрни яратилди. Кўплаб хотин-қизлар касаначилик асосида меҳнат қилмоқда.

Фермер хўжаликларида ишлаётган аёллар учун қулай иш шароити яратиш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатдорлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, замонавий технологияларни кенг жорий қилиш аёллар меҳнатини енгиллаштириш, меҳнат унумдорлигини ва даромадини ошириш имконини бермоқда.

Сайёра ШОЕВА, ЎзА мухбири.

Гулистон шаҳридаги 27-Меҳрибонлик уйида болажонларнинг яшаши, таълим-тарбия олиши, спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратилган.

БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

Турли корхона ва ташкилотлар, ўқув даргоҳлари вакиллари бу муассасага тез-тез келиб, болажонлар ҳолидан хабар олиб туришади. Бу эса турли сабабларга кўра ота-она меҳридан бенасиб қолган, кўнгли ўксик ўғил-қизларга бир олам қувонч бағишлайди.

Гулистон педагогика коллежининг бир гуруҳ ёшлари болажонлар ҳузурида бўлиб, уларга ўзларининг совға-саломлари ҳамда тайёрлаб келган дастурларини тақдим этдилар. Коллеж ўқувчилари ҳадя қилган ранг-баранг китоблар, ўйинчоқлар болажонларга ғоят манзур бўлди. Улар ака-опалари билан биргаликда қўшиқ куйлаб, рақсга тушдилар.

— Болажонларимизнинг қувончи чексиз, — дейди Меҳрибонлик уйи раҳбари Матлуба Худойбердиева. — Улар мана шундай учрашув ва мулоқотлар чоғида ўзларига қаратилган эътибор ҳамда ғамхўрликни яна бир бор чуқур ҳис этадилар.

Д. ЭСОНОВА.

ОБ-ҲАВО

(22 январь)

Тошкент шаҳри. Ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 1 даража совуқ билан 1 даража илиқ атрофида, кундузи 8-10 даража илиқ.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Баъзи жойларга туман тушади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Тунда 2 даража совуқ — 3 даража илиқ ўртасида, кундузи 5-10 даража илиқ. Навоий вилоятининг шимолий ҳудудида кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 2-7 даража илиқ бўлиши кутилмоқда.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Айрим жойларга туман тушади. Ҳарорат кечаси 2 даража совуқ — 3 даража илиқ ўртасида, кундузи 5-10 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ атрофида, кундузи 5-10 даража илиқ.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ёғингарчилик кузатилмайди. Баъзи жойларга туман тушади. Кечаси 0-5 даража, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илиқ бўлиши кутилади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси Сирдарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси

Қаҳрамон Назарқулович АБДУКАРИМОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди жамоаси Сирдарё вилоят хўжалик судининг судьяси

Абдумурат Гафурович КУЗИЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Яхши хабар

Тадбиркор Бозорбой Ҳасанов Боғот туманидаги Бешариқ қишлоғида янги гузар қурди.

«Обод»нинг кўркам гузари

Тадбиркорнинг ўз маблағи ҳисобига барпо этилган гузар "Обод" маҳалласига янада кўркамлик бахш этди. Кўплаб инфратузилмалар бунёд этилган бу ерда қишлоқ аҳли учун барча маданий-маиший шароитлар яратилган.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти

MDIS Tashkent

2009 - 2010 ўқув йили учун абитуриентларни кўп босқичли ИНГЛИЗ ТИЛИ ва IELTS тизими бўйича академик инглиз тили ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА таклиф қилади.



Хизматлар лицензиаланган

Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти,
100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳкўчаси, 28-уй.

Тел.: 276-90-94, 271-77-00.

Омадли келажакка биз билан эришинг!

"INTEGRAL ASIA"

17" мониторли P4 компьютерлари

Пул ўтказиш йўли билан ҳамда кредит асосида сотилади.
«Актив инвест» кредит иттифоқи кўмагида.

Тошкент ш., Фарғона йўли к., 13/12,
тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28,
факс: 120-30-26.

Товар сертификатланган.
e-mail: sale@onlineuz.net
www.integr-asia.com

ООО "Росагропромснаб" предлагает:

СЧЕТЧИКИ ГАЗА

ультразвуковые "Гобой-1"

Цена - от 1 365 000 сум.



ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО ТЕПЛОПРИБОР

Ду, мм	Типоразмер	Мин. расход, Qмин, м³/час	Максим. расход, Qмин, м³/час
25	G10	0,16	16(25)
40	G25	0,40	40(65)
65	G65	1,00	100(160)

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия.
Гарантийный срок на продукцию - 12 месяцев со дня установки.
Отдельно предприятие поставляет фильтры различных диаметров.

Товар сертифицирован

Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90

Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л Ц, д. 6 (ор-р - перекресток "Шухрат")

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 57. 50806 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.35 Топширилди — 21.55 8